

ЖУМА МАВЪИЗАСИ
“19” МАЙ, 2017 йил

شَعْبَان

Усмонхон АЛИМОВ
“22” ШАЪБОН, 1438 ҳ.й.

ХАЛҚ МУЛКИГА ЭҲТИЁТ БЎЛАЙЛИК

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Мухтарам жамоат! Ҳаёт тақозоси билан инсонлар доимо бир-бирлари билан турли хил молиявий муомала қилишга муҳтождирлар. Лекин бу алоқада мақсадни ҳалол йўллар билан амалга ошириш, ҳаром йўллардан четланиш ва бошқаларнинг ҳақ-ҳуқуқларига тажовуз қилмаслик шартдир.

Ислом дини доимо адолатли бўлишга ва ўзганинг ҳаққини ноҳақлик билан емасликка буюради.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَأْكُلُوا أَمْوَالَكُمْ بَيْنَكُمْ بِالْبَاطِلِ إِلَّا أَنْ تَكُونَ تِجَارَةً عَنْ تَرَاضٍ مِنْكُمْ
وَلَا تَقْتُلُوا أَنْفُسَكُمْ إِنَّ اللَّهَ كَانَ بِكُمْ رَحِيمًا

Яъни, «Эй имон келтирганлар! Мол-мулкларингизни ўртада ноҳақ (йўллар) билан емангиз! Ўзаро розилик асосидаги тижорат бўлса, у бундан мустасно. Шунингдек, ўзларингизни (бир-бирингизни ноҳақ) ўлдирмангиз! Албатта, Аллоҳ сизларга раҳм-шафқатлидир». (Нисо сураси, 29 оят)

Бировнинг молини ботил йўл билан ейишга рибо, кимор, порахўрлик, алдамчилик, нархни сунъий равишда кўтариш, ўғрилиқ, товламачилик ва бошқалар киради.

Ояти каримада ботил йўл билан бировнинг молини ейишдан «**Ўзаро розилик асосидаги тижорат бўлса, у бундан мустасно**», деб истисно қилинмоқда. Чунки, тижорат — ҳалол меҳнат. Тожир меҳнат қилиб, молу пулини ишга солиб, ишлаб чиқарувчи ва харидор орасида воситачи бўлади. Бу вазифани бажариш учун орада анчагина хизматларни адо этади. Унинг келажакда фойда кўриш-кўрмаслиги, фойданинг оз ёки кўп бўлиши гумон бўлади. У касод бўлиш, синиб, молсиз-пулсиз қолиш эҳтимолларини ҳам бўйнига олиб, бу ишга қўл уради.

Оятнинг давомида «**Ўзларингизни (бир-бирингизни ноҳақ) ўлдирмангиз!**» — демоқда.

Сиртдан қараган одам, бир-бирининг молини ботил йўл билан ейиш ва ўзини ўзи ўлдириш орасида нима алоқа бор, дейиши мумкин. Лекин чуқурроқ ўйлаб кўрилса, ҳаётнинг тажрибага назар солинса, ҳақиқатда бу икки нарса ўртасида бевосита алоқа борлиги кўрилади. Жумладан, мазкур ботил йўл билан мол емоқ ҳам катта маъсият сифатида ҳалокатга сабаб бўлади. Бу ишни қилганлар ўзини ўзи ўлдирган бўлади.

«Албатта, Аллоҳ сизларга раҳм-шафқатлидир».

Агар у раҳм қилиб, тўғри йўлни кўрсатиб бермаганида, нотўғрисида қайтармаганида, катта машаққатда қолган бўлар эдингиз.

وَمَنْ يَفْعَلْ ذَلِكَ عُدْوَانًا وَظُلْمًا فَسَوْفَ نُصَلِّيهِ نَارًا وَكَانَ ذَلِكَ عَلَى اللَّهِ يَسِيرًا

Яъни, «Кимда-ким шу (қотиллик)ни адоват ва зулм юзасидан қилса, албатта, Биз уни дўзахда қуйдирамиз. Бу (эса) Аллоҳга осондир». (Нисо сураси 30-оят).

Демак, ким мазкур ишни тажовузкорлик (яъни, ҳаромлигини билиб туриб) ва зулм ила (яъни, қилишдан тап тортмай) қилса, охиратда дўзахга киритилади. Аммо, бу билан, банда ноумид бўлмаслиги лозим. Аллоҳ таоло қудрати чексиз, азоби катта бўлиши билан бирга, марҳамати ҳам кенг, раҳм-шафқати чексиз Зотдир. Агар бандалар ўзларини ўнгласалар, уларнинг гуноҳларини ўтиши муқаррар.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ўз ҳадисларидан бирида «**Мўминларнинг молини ноҳақ ўзлаштирадиган кишилар Қиёмат кунда дўзахга тушуурлар**», деб марҳамат қилганларини яхши биламиз.

Нақл қилинишича, Абдуллоҳ ибн Муборакдек буюк олим ўз она юрти Марвда бўлган пайтларида бировдан бир қалам олдилар. Орадан вақт ўтиб Абдуллоҳ ибн Муборак Марвдан Шомга бордилар. Шомга боргач бояги қалам ҳаёлларига келиб, дарҳол ортларига қайтиб, қаламни эгасига топширган эканлар.

Муҳтарам биродорлар! Мўмин-мусулмонлар ўртасида молиявий муносабатлар, иқтисодий муомалотлар одобига амал қилинмаса, адолат билан иш тутилмаса, жамиятда ўзаро ишончсизлик, зулмкорлик, ҳақсизлик ва ихтилоф-зиддиятлар юзага келади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларининг бирида:

" مَنْ غَشَّ فَلَيْسَ مِنَّا " (رواه الترمذی)

Яъни, «**Кимки ҳиёнат қилса бизлардан эмас**» – дедилар. Абу Ҳурайрадан ривоят қилинган бошқа бир ҳадисда шундай деганлар:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ عَنِ النَّبِيِّ قَالَ: مَطْلُ الْعَنِيِّ ظُلْمٌ

Яъни, **Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Бойнинг (зиммасидаги қарз ёки ҳақни) бермай юриши зулмдир**», дедилар».

Моддий имкони бор одам ўз зиммасидаги молиявий бурчни адо этмай юриши золимликдир.

Ушбу тушунча унутилган жамиятларда бойлар, имкони бор одамлар бировнинг ҳақини бермай юриши кенг тарқалган.

وَاللَّسَائِي: وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ لَوْ أَنَّ رَجُلًا قُتِلَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ ثُمَّ أُحْيِيَ ثُمَّ قُتِلَ ثُمَّ أُحْيِيَ ثُمَّ قُتِلَ وَعَلَيْهِ دَيْنٌ مَا دَخَلَ الْجَنَّةَ حَتَّى يُقْضَى عَنْهُ دَيْنُهُ.

Яъни, **Насай қилган ривоятда: «Менинг жоним қўлида бўлган зот ила қасамки, агар бир киши Аллоҳнинг йўлида қатл қилинса, сўнг**

тирилтирилса, яна қатл қилинса ва тирилтирилса, сўнг яна қатл қилинса-ю, унинг зиммасида қарзи бўлса, қарзи адо этилмагунча жаннатга кирмас», дейилган.

Агар инсон Аллоҳнинг йўлида бир эмас, уч марта шаҳид бўлса ҳам қарзини адо қилмаган бўлса, жаннатга кира олмайди. Ундай одамнинг жаннатга кириши олган қарзининг узилишига боғлиқ бўлиб қолади. Қарзи узилса, жаннатга киради, бўлмаса йўқ.

Мухтарам намозхонлар! Бировнинг молини ейиш деганда фақатгина шахсларо деб тушунилмаслиги керак.

Кундалик эҳтиёжимиз учун фойдаланадиганимиз табиий газ, электр токи, сувни олиб кўрайлик. Одатда бу неъматлар бизнинг хонадонимизга етиб келгунича қанчадан-қанча ҳаражатлар қилинади. Қолаверса, уларни доимий бўлишини таъминлан учун ҳам миллионлаб маблағлар сарфланади. Сарф қилинган маблағлар ўз жойига қўйилмаса, бутун халқ мазкур неъматлардан фойдаланиши тўхтайдди. Бунинг учун эса икки томонлама шартномалар тузилади. Яъни таъминловчи ва истеъмолчи ўртасида. Тузилган шартнома шаръан бажарилиши шарт.

Шундан келиб чиқиб агар истеъмолчи ишлатган нарсасини ҳаққини тўламаса, нафақат таъминловчи ташкилотни балки, халқнинг мулкани ҳаром йўл билан ўзлаштирган бўлади. Шунинг учун ҳам ҳар бир ишлатилаётган нарсаларга уларни ҳисоблагичлар ўрнатилаган. Демак ҳисоблагичда кўрсатилган рақамларга қараб, ишлатилган газ, ток, сувларнинг нархлари чиқарилар экан, бунинг бирор чақасига ҳам хиёнат қилмасдан тўлаш лозимдир. Акс ҳолда кимлардир ўзининг мавқеи, мансаби ёки яна қандайдир имтиёзларидан фойдаланиб ёки муттаҳамлик қилиб истеъмол қилинган газ, сув, иссиқлик ва электр қуввати ҳаққини ўз вақтида тўламаса, аввало, халқнинг ризқини қийилишига, баракани кўтарилишига ва ҳаттоки маълум бир минтақаларни газ, ток, ва сувсиз қолишига сабабчи бўлади. Қолаверса, Аллоҳнинг ҳузурида ҳам жавоб беради.

Масаланинг иккинчи тарафи ҳам бор. Бунда истеъмолчилар ўзлари тўлаши керак бўлган маблағларни тўлиғича тўлайди, лекин таъминловчиларнинг ташкилот аъзоларидан баъзи бирлари ўзининг вазифасини суиистеъмол қилиб, тўланаётган маблағларни маълум қисмини керакли жойга етказмасдан ўзининг ҳамёнига уради. Ёки бир маҳалладаги баъзи бир кимсалар уй-жойлари кенг ва катта бўлганлиги туфайли газ ва ток ва сувларни ҳисоб-китобсиз даражада ишлатади ва исроф қилади. Тўловга келганда эса ундан бош тортишга ҳаракат қилади.

Бу каби ноҳақликлардан узоқда бўлиб, давлат олдидаги зиммамизда турган тўлов ва солиқларни ўз вақтида адо этишга ҳаракат қилайлик.

Аллоҳ таоло ижтимоий ва иқтисодий ҳаётимизнинг барча соҳаларида ҳалоллик ва покликка риоя қилиб яшамоғимизга муваффақ айласин. Омийн!